



Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqarib boshlagan

Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri • 2013-yil 26-noyabr, seshanba № 143 (3336)

Биз тинчлик, ўзаро дўстлик ва аҳиллик, мураса йўли билан ўз мақсад-муд-даоларимизга эришамиз.

Ислом КАРИМОВ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Туркманiston Президенти Гурбангули Бердимухамедов 25 ноябр куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Ўзбекистон ва Туркманiston халқларини умий тарих, муштарак маданият ва қадриятлар, ўхшаш тил ва урф-одатлар ўзаро боғлаб туради. Тақдир синовлари даврида бир-бирига елкадош бўлиб, саодатли дамларда қувончини баҳам қўриб келган ўзбек ва туркман халқлари азалдан бир-бирининг маданиятини бойитиб, савдо-сотик қилиб келади, бир дарёдан сув ичади.

ларда гидроэнергетика иншоотлари қуриш масалаларига БМТнинг трансчегаравий сув оқимларидан фойдаланишга оид конвенциялари талабларига риоя қилган ҳолда ёндашиш лозимлиги қайд этилди.

Президентлар икки томонлама ҳамкорлик стратегияси ҳамда минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар юзасидан ўзаро келишилган позиция ишлаб чиқиш мақсадида олий даражадаги учрашувларни мунта-

дан-тўғри ҳамкорликни ривожлантириш йўлидаги амалий қадам бўлган мазкур корхона икки мамлакат бу борада талай имкониятларга эга эканини намояндалар.

Ўзбекистон ва Туркманiston иқтисодий ҳамкорлигида транспорт коммуникациялари устувор жиҳат саналади. Икки мамлакатнинг автомобил ва темир йўллари яхши интеграциялаш-

дан-тўғри ҳамкорликни ривожлантириш йўлидаги амалий қадам бўлган мазкур корхона икки мамлакат бу борада талай имкониятларга эга эканини намояндалар.

Ташкентда Туркманiston, Ашхободда Ўзбекистон миллий кўргазмаларини ташкил қилиш яхши аниёнага айланган. Шу билан бирга, савдо-сотикни ривожлантиришда Ўзбекистон билан Туркманiston ўртасида тўлақонли эркин савдо тартибининг йўлга қўйилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Туркманiston томони «Навоий», «Жиззах», «Ангрен» иқтисодий зоналари билан таништирилди.

Музокарада агросаноат мажмуи соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги ҳуқуқматларо битимни

вакиллари туркманistonлик ҳамкасблари билан Туркманiston шароитига мос келадиган уруғлик чигит ва дон навларини яратиш борасида ҳамкорлик қилмоқда. Илм-фан вакиллари нефть кимёси соҳасида ҳам қўшма изланишлар олиб бормоқда.

Музокарада сайёҳлик соҳасида мамлакатларимиз улкан имкониятларга эга экани таъкидланди. «Буюк ипак йўли» сайёҳлик лойиҳаси доирасида комбинациялашган саёҳатлар ташкил қилиш орқали бу соҳадаги алоқаларни фойдалантиришга қўшма кўшма ҳисса қўлади. Бошқача айтганда, Ўзбекистонга келган сайёҳ Туркманiston, Туркманistonга борган сайёҳ Ўзбекистон орқали қайтиб кетишини йўлга қўйиш мумкин. Шу тарихий миллий авиаконпанияларнинг ҳамкорлигини кенгайтириш учун ҳам яхши замин яратилди.

Музокарада яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Туркманiston Президенти Гурбангули Бердимухамедов Қўшма баённони имзоладилар. Икки мамлакат ҳуқуқматлари ўртасида Маданий-гуманитар соҳада 2014-2016 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури, Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, Жиний йўл билан ерттирилган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Шунингдек, икки мамлакатнинг кимё соноати ва туризм компаниялари, ахборот агентликлари, товар-хонаш ё биржалари ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов музокарада оқиб, ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида, ишчан кайфиятда ўтганини, эришилган келишувлар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидладилар. Ўзаро муносабатларни хар томонлама ривожлантириш ва мустақамлаш борасида манфаатлар ва қарашларнинг муштараклиги, шунингдек, муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан позиция ва ёндашувлар ўхшаш ва яқинлиги яна бир қарар ўз тасдигини тоғнага қайд этилди.

Қўшма баённода Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Туркманiston Президенти Гурбангули Бердимухамедов пойтахтимиздаги Мустақиллик майдонига ташриф буюрдилар. Олий мартабали меҳмон хурриятимиз, порлок истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рами бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойга гул қўйди. Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизнинг бош майдонига амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига юксак баҳо берди.

Президентлар давлатимиз раҳбари ташаббуси ва фойдаланиши билан ўтказилган «Матрифт маркази»ни бориб кўрди. Ушбу мажмуадан ифтибор олган Симпозимлар саройининг қўрқу салобати, меъморий ечим, йирик илмий анжуманлар ва халқаро симпозимлар ўтказиш учун яратилган замонавий шарт-шароитлар, Алишер Навоий номидagi Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг бой ахборот-кутубхона фонди, бу ерга келган ёш йигит-қизларнинг юксак интеллектуал салоҳияти олий мартабали меҳмонда катта таассурот қолдирди.

Туркманiston Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи давом этмоқда.

Анвар БОБОЕВ, Анвар САМАДОВ, Уза мухбирлари

Ўзбекистон — Туркманiston:

Дўстлик ва ҳамкорликни янада мустақамлаш йўлида

зам давом эттиришга келишиб олдилар.

Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов музокараи Ўзбекистон ва Туркманiston расмий делегациялари аъзолари иштирокида давом эттирдилар.

Икки мамлакат ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ва сармоий ҳамкорликни олий даражадаги учрашувларда эришилган келишувларга мувофиқ изчил ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратади.

Кейинги беш йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 3 баробардан зиёдор ўсиб, 2012 йил якулига кўра 450 миллион АКШ долларидан кўпроқни ташкил этди. Ўзбекистоннинг Туркманistonга экспорти минерал ўғитлар, қурилиш материаллари, полз маҳсулотлари, электрик ва механик ускуналар, транспорт воситалари, қора ва рангли металлдан ишланган буюмлар ва турли соҳадаги хизмат кўрсатишдан иборат. Туркманistonдан юртимизга нефть маҳсулотлари, пропилен полимерлари, сульфат кислота каби товарлар келтирилди.

Ўзбекистон томони 2012 йилда имзоланган ўзаро ётказиб бериш тўғрисидаги ҳуқуқматларо битим ҳамда 2013-2017 йилларга мўлжалланган Иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага мувофиқ икки томонлама савдо ҳажмини янада ошириш ва уни диверсификация қилиш мақсадаги мувофиқ эканини таъкидлади. Хусусан, Ўзбекистон корхоналари Туркманiston бозорига узоқ мuddатли асосда ва кенг қўламда машинасозлик, электротехника ва кимё соноати маҳсулотлари, минерал ўғитлар, қурилиш материаллари, замонавий енгил ва юк ташувчи автотомбиллар, автобуслар, қишлоқ хўжалиги техникаси, қайта ишланган полз маҳсулотлари ётказиб беришга тайёр.

Иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва мада-

ган тизим бўлиб, нафақат Ўзбекистон ва Туркманiston, балки учинчи давлатлар учун ҳам қўлай транзит мажмуи вазифасини ўтамоқда. 2013 йилнинг январ-сентябр ойларида Ўзбекистон ҳудудидан Туркманistonга тегишли 304,9 минг тонна юк ташиб ўтилган бўлса, ушбу давлат ҳудудидан юртимизга қарашли 283,8 минг тонна юк олиб ўтилди. Транспорт коммуникациялари ва транзит соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва ўзаро келишилган тариф сиёсати юритиш икки томон салоҳиятини тўлиқ юзага чиқарибгина қолмай, Ўзбекистон ва Туркманistonнинг учинчи давлатлар учун жозибдорлигини ҳам оширади.

Ўзбекистон томонининг фикрича, Эроннинг Бандар Аббос ва Туркиянинг Мерсин бандаргоҳлари йўналиши бўйича Туркманiston коммуникацияларининг рақобатбардошлиги ва жозибдорлигини ошириш учун тарифларни оптималлаштириш, қўлай преференциялар жорий этиш мақсадаги мувофиқдир. Шунингдек, мамлакатларимизнинг Форс кўрфазини портларига чиқишини таъминлаш учун Ўзбекистон-Туркманiston-Эрон-Умон-Қатар халқаро транспорт ва транзит йўлини барпо этиш тўғрисидаги битимни изчил ва тизимли равишда амалга ошириш зарур.

Мамлакатларимиз халқаро микёсдаги йирик лойиҳаларни амалга ошириш борасида катта тажрибага эга. 2009 йилнинг декабр ойида ишга тушган Туркманiston-Ўзбекистон-Қозғистон-Хитой газ қувури бунинг ёрқин тасдиғидир.

Музокарада қўшма корхоналар, миллий фирма ва компаниялар ваколатхоналарининг сонини кўпайтириш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Масалан, Ашхобод шаҳрида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган автомобилларнинг сотиш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича Туркманiston-Ўзбекистон қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Хўжалик субъектлари ўртасидаги тўғри-

тўғри амалга ошириш зарурлиги қайд этилди. Бу битим қишлоқ хўжалиги техникаси ётказиб бериш, пахтачилик ва галлачилик, ўсимликларни кимёвий ва биологик ҳимоялаш, селекция, кадрлар тайёрлаш бўйича ҳамкорликни янада кенгайтиришни назарда тутди.

Ўзбекистон билан Туркманiston ўртасида маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Бу борада 2011-2013 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури доирасида икки мамлакатнинг маданият ва санъат намояндalari Ўзбекистонда ва Туркманistonда ўтказиладиган турли концертлар, фестивал ва кўриклар, кўргазма ва форумларда фаол иштирок этмоқда. 2009 йилги «Шарқ тароналари» халқаро мусика фестивалида туркманistonлик хонанда Лале Бегназарова Гран-при соҳиби бўлган эди, 2011 йилдаги фестивалда эса «Галкиниш» эҳдий гуруҳи учинчи ўринни эгаллади.

Олий даражадаги учрашувлар доирасида бир неча марта Ўзбекистон ва Туркманiston санъаткорларининг қўшма концертлари ўтказилди. Ўзбекистон-Туркманiston халқларининг дўстлик фестивали деб аталган бу анжуманлар икки мамлакат маданий ҳаётида катта воқеа бўлди.

2013 йилнинг август ойида Ўзбекистон вакиллари Туркманiboши шаҳрида бўлиб ўтган иқтисодий болаларнинг «Аваза — дўстлик ўлкаси» халқаро фестивалида иштирок этди.

Келишувга биноан бундан бунён ҳам икки мамлакатда ўтказиладиган фестивал, концерт, кўрик танлов ва кўргазмалар, шунингдек, спорт мусобақалари ҳақида мунтазам равишда маълумот алмашиб борилади ҳамда маданият ва санъат намояндalарининг, спортчиларнинг фаол иштироки таъминланади.

Илм-фан соҳасидаги ҳамкорлик юксалмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Генетика ва экспериментал биология институти

Давр билан ҳамнафас

Жарқўрган туманидаги «Сурхон» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидagi Япониядан замонавий типдаги тикув машиналари келтирилиб, «Чарогон текстил» фабрикаси ишга туширилди. 200 ишчи-ҳодим иш билан таъминланди. Уларнинг 120 нафари касб-хунар коллежлари битирувчиларидир.

Чарогон текстил

Ҳозирда бу ерда турли чойшаб, бежирим либослар, махсус кийим-кечаклар ишлаб чиқарилмоқда. Дарвоқе, электр энергиясини тежаш мақсадида муқобил қуёш энергиясидан фойдаланиш учун асбоб-ускуналар ўрна тилганлиги самарадорликка хизмат қилаётди.

М.АНОРБОЕВ, вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири

2013 йил — Обод турмуш йили

Тадбиркор аёлларнинг энг яхши лойиҳалари

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Тадбиркор аёл» уюшмаси, Савдо-саноат палатаси ва «Микрокредитбанк» очик акциядорлик-тижорат банки ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган «Тадбиркор аёлнинг энг яхши лойиҳаси» танлови қўлб хотин-қизларнинг янги ташаббуслари рўёбга чиқишига хизмат қилмоқда. Пойтахтимизда мазкур танловнинг мамлакат босқичи голибларини тақдирлашга бағишлаб ўтказилган маросимда шулар ҳақида сўз борди.



Танловда Тошкент шаҳрида яшовчи Раъно Ортиқованинг тўй ва бошқа маросимларини миллий қадрият ва анъаналаримизга мос тарзда, ихчам ва ортиқча даб-дабасиз ўтказишга оид лойиҳаси «Сервис соҳасидаги энг яхши лойиҳа» деб топилди. Андижон вилояти вақиласи Одинахон Саидованинг геология фани бўйича яратган, Қорақалпоғистон Республикасида яшовчи Нурпошша Матниёзованинг гулчиликни ривожлантиришга оид лойиҳалари «Қишлоқ жойларига мўлжалланган энг яхши лойиҳа» сифатида эътироф этилди.

Тошкентлик Муслима Уринбоеванинг миллий кўйиқоқлар яратишга доир лойиҳаси эса «Ишлаб чиқариш соҳасидаги энг яхши лойиҳа» йўналиши бўйича голиб бўлди.

Танловда голиб ва совриндорларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Суратларда: тадбир иштирокчилари; «Ишлаб чиқариш соҳасидаги энг яхши лойиҳа» йўналиши бўйича голиб Муслима Уринбоева.

Асқар ЕКЎБОВ (ЎЗА) олган суратлар

Пленум

Тошкент шаҳар касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг VII пленуми бўлиб ўтди. Унда бирлашма ҳодимлари, тармоқлар бўйича Тошкент шаҳар масъул ташкилотчилари ҳамда касба уюшма фаоллари иштирок этди. Пленумни бирлашма кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Нуршод Ғиёсов олиб борди.

Меҳнаткашлар манфаати

масъулият билан ишлашни талаб қилади

Асосий эътибор пойтахтдаги ташкилотларда иш бeрувчи ва бошлангич касба уюшма қўмиталари томонидан меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш ҳамда уларнинг меҳнати муҳофиза қилиш юзасидан ҳамкорликда олиб борилаётган фаолиятга қаратилди.

Таъкидланганидек, жорий йил учун белгилаб олинган касба уюшмалари фаолиятининг устувор йўналишлари ҳақида бошлангич касба уюшма ташкилотлари етакчилигининг I Республикаси форумида маълум қилинган бошлангич ташкилотлар фаолиятини тақомиллаштириш дастури ижросига бирлашма кенгаши томонидан алоҳида аҳамият берилди. Фаолият намунали тарзда олиб борилаётган бошлангичлар иш тажрибасини оммалаштириш, уларга енгиллик яратиш, шу билан бирга, барча касба уюшма ташкилотларининг самарали ишлашини таъминлаш борасида муайян ишлар қилинди.

Хусусан, жорий йил давомида 417 та корхона ва ташкилотда касба уюшмаси ташкилоти тузилиб, уларда меҳнат қилаётган 6 минг 200 нафардан зиёд ҳодимнинг ижтимоий ҳимояси таъминланди. (Давоми 2-саҳифада).

Энг намунали бошланғич ташкилот

Жорий йилнинг касаба уюшмалари тизимида «Бошланғич ташкилотлар йили» деб эълон қилиниши соҳада ўзига хос бурилиш ясади. Бу, ўз навбатида, касаба уюшмалари фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш, тақомиллаштириш, ва энг муҳими, «Инсонга наф келтириш — олий бахт» тушунчасини тўлалигича ҳаётга тадбиқ этиш учун замин яратди. Бошланғич ташкилотлар етакчиларининг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтириш, фаолият самарадорлигини ошириш мақсадида йил давомида «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танлови ўтказиб келинди. Ушбу тадбирнинг сарҳисоби сифатида Ўзбекистон Алоқа тарихи музейида Алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши тизимининг республика босқичи бўлиб ўтди.

Фаоллик
рағбатга лойиқ



Ташкил этилган кўрғазма танловда қатнашаётган бошланғич ташкилотлар фаолияти билан яқиндан танишиш имконини берди. Сертификатлар, дипломлар, меҳнатқашларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича тузилган меъёрий ҳужжатлар иштирокчилар эътиборига ҳавола этилди. Турли тадбирлар акс эттирилган фототаъҳаллар касаба уюшмаларининг маданий-маърифий ишлари ҳақида муайян тасаввур уйғотди.

Танловни Алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Асрор Ишанхўжаев кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг, ҳудудий босқичларда юқори натижаларга эришган намунали бошланғич ташкилот раислари йиғилганлари ўз иш тажрибалари билан таништирилди. Касаба уюшмаси фаолиятдан лавҳалар, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоя, меҳнат муҳофазаси ва соғломлаштириш соҳаларида амалга оширилган ишлар слайд ҳамда видеороликлар орқали намойиш этилди.

Натижада, «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамияти Самарқанд филиали касаба уюшма кўмитаси кўрик-танлов ғолиблигига эриштирилди. «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Қорақалпоғистон филиали касаба уюшма кўмитаси иккинчи уринга, Ўзбекистон-Индонезия қўшма корхонаси Қарши филиали касаба уюшма кўмитаси учинчи уринга сазовор бўлди.

Дилшода Мухторова, «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамияти Самарқанд филиали касаба уюшма кўмитаси раиси:

— Кўрик-танловда касаба уюшма кўмитамизнинг ғолиб топилганидан тўлқинланиб кетдим. Ижтимоий шериклик асосида янада кўпроқ излансак, мана шундай ютуқларни қўлга киритишимиз мумкинлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Айтиш жоизки, иш берувчи билан ҳамкорликда 1417 нафар ходимнинг меҳнат ва яшаш шароитини яхшилаш бўйича бир қатор ишлар қилдик. Масалан, жамоа шартномасига асосан, йилнинг ўтган даврида 340 нафар ходимга 49 млн. сўмлик моддий ёрдам берилди. Ходимларнинг Бухоро ва Хива шаҳарларида саёҳатлари уюштирилиб, маданий ҳордиқ чиқариши таъминланди.

Аклима Мухамеджонова, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиали касаба уюшма кўмитаси раиси:

— Эътироф этиш керакки, кейинги йилларда жамоат ташкилотининг обрўи янада ошди. Меҳнатқашларнинг ишончли суянчигига айланди.

730 нафар ходимнинг манфаатларини ҳимоялашга қаратилган жамоа шартномасида барча имтиёзлар акс этган. Жорий йилда 9 нафар ишчи бепул соғломлаштирилди. Яна 10 нафари имтиёзли йўланмалар билан таъминланди. Шунингдек, ёзги мавсумда кам таъминланган оилалар фарзандларидан 122 нафари оромгоҳларда дам олдирилди. Касаба уюшма кўмитаси ташаббуси билан ходимларнинг спортга жалб этиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида мини-футбол жамоаси ташкил этилди.

Тадбир давомида давлатимиз томонидан ёшларга қаратилган эътибор ва ғамхўрлик ҳақида ҳам сўз юритилди. Тармоқ касаба уюшмаси тизимидаги ёшлар кенгаши фаолияти тўғрисида атрофлича маълумот берилди. Шундан сўнг, Тошкент ахборот технологиялари университети ва университет қoшидаги иккита академик лицей, Тошкент алоқа ҳамда Тошкент ахборот технологиялари касб-хўнар коллежларининг иқтидорли талабаларидан олти нафарига тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан таъсис этилган стипендия тақдим этилди.

Авазбек Тўхтасинов, Тошкент ахборот технологиялари университети талабаси:

— Университет касаба уюшма кўмитаси аъзосиман. Бошланғич ташкилотимиз профессор-ўқитувчиларнигина эмас, талабаларнинг ҳам ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиб келаётир. Мен касаба уюшмасига шу даргоҳда аъзо бўлдим.

Касаба уюшма кўмитамиз ёшлар камолига, таълим-тарбиясига алоҳида аҳамият бермоқда. Шу боис ҳам, касаба уюшма кўмитаси кўмагида талаба ёшларнинг ўқиниши, давоматини доимий таҳлил этиб бориш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратиляпти. Бу, албатта, ёшларга илм-фан чўққиларини эгаллашда қанот бағишляётир.

Шаҳзода Муродова, Тошкент ахборот технологиялари университети қoшидаги 2-академик лицей ўқувчиси:

— Мамлакатимиз равнақи биз, ёшларнинг қўлида. Шундай экан, яратилётган барча имкониятдан унумли фойдаланиб, бугун фақат ўқиб-ўрганишимиз, ҳорижий тилларни ҳам мукаммал эгаллашимиз зарур.

Тадбир сўнгида иштирокчилар Алоқа тарихи музейидаги экспонатлар билан танишдилар.

Раъно МАҲҚАМОВА,
«Ishonch» мухбири

Меҳнатқашлар манфаати
масъулият билан ишлашни талаб қилади

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Пленумда мамлакатимизда жорий йилнинг «Обод турмуш йили» деб эълон қилиниши муносабати билан тасдиқланган дастур доирасида пойтахт корхона, ташкилот ва муассасаларида имзоланган жамоа шартномаларига қўшимча имтиёз ва қарорлар киритилиб, ижроси таъминланаётгани айтиб ўтилди. Чунончи, 4330 нафар кам таъминланган оила вақилларига 519 млн. 821 минг сўм, тармоқ корхоналаридаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг 833 нафар фарзандига дарслик, ўқув қуроллари харид қилиш учун 75 млн. 870 минг сўмлик қўмақ берилди. 252 нафар амалиёт ўтаган ва ишга кирган коллеж битирувчиларига 22 млн. 561 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди.

Шунингдек, Дастур доирасида касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда 70 нафар ишловчи, кўп болали ва кам таъминланган аёл, 24 нафар тиббиёт ходими бепул соғломлаштирилди. 18 нафар бефарзанд ёш оилалар вақиллари эса «Умид гулшани» санаторийсида соғлигини тикладди.

Жорий йилги болаларни ёзги соғломлаштириш мавсуми ҳам қизгин ташкил этилди. Жумладан, 58 та болалар оромгоҳи фаолият кўрсатди. 43 минг нафардан зиёд бола, жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида қўшимча ражада белгиланган 1970 нафарга қўшимча равишда яна беш юз нафарга яқин ўғил-қиз дам олдирилди. 22 та стационар оромгоҳда 27 мингдан зиёд, мактаблар қoшидаги 36 та кундузги оромгоҳда эса 16 мингдан ортққ болда мароқли ҳордиқ чиқарди. Бир сўз билан айтганда, мавсумда 43

минг нафар бола вақтини мазмунли ўтказди.

Мажлиса меҳнат муҳофазаси, маданий-маърифий ва спорт тадбирлари, турли акция ва кўрик-танловларнинг ҳам изчиллик билан ташкил этиб борилгани қайд этилди.

Шу билан бир қаторда, касаба уюшма ташкилотлари фаолиятида айрим муаммолар мавжудлиги таъкидланди. Жумладан, жамоа шартномалари бандларининг ижроси ҳамда уларнинг йил якунлари бўйича бажарилиши муҳокамаларини ташкил этишда сусткашликка йўл қўйилган. Қатор касаба уюшма ташкилотларида жамоа шартномаларининг 2012 йилда бажарилиши якунлари меҳнат жамоаси умумий йиғилишида кўриб чиқилмаган. Айрим жойларда «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддаси тўлиқ бажарилмаган, Меҳнат муҳофазаси бўйича масъул ходимлар кўйилмаган ёки хизматлар ташкил этилмаган ҳамда жамоатчилик назорати ўрнатилмаган ҳолатлар ҳам мавжуд. Корхоналарда меҳнат дафтарақчаларини юритиш китоби йўриқнома талабларига мос келмайдди. Йиғилишда, шунингдек, ноғиронлар меҳнати, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишда Меҳнат кодексидagi имтиёзлардан фойдаланишга иш берувчилар томонидан имконият яратиб берилмаган ҳолатлар борлиги қайд этилди.

Шу боис жамоа шартномаларини тармоқ келишувларига мослаштириш ва уларнинг ижросини таъминлаш, нодавлат сектор корхоналарини касаба уюшмаларига жалб этиш, бошланғич ташкилотларга амалий

ёрдам кўрсатиш, коллеж битирувчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш ва шу каби бошқа масалалар бўйича касаба уюшмалари Марказий кенгаши, соҳа бўйича Республика бирлашган кўмиталари билан ҳамкорликда ишни изчил ташкил этиш лозимлигига эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, ўтказилаётган кўрик-танловларга ташкилотларни кенг жалб этиш, маданий-маърифий ва спорт тадбирлари, «Маънавият соатлари»нинг ўтказилиши юзасидан мониторинг ишларига янги қадамлар муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди. Юқоридагилардан келиб чиқиб, бундан кейин жамоа шартномаларининг тўлиқ бажарилишига эришиш, бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раисларининг масъулиятини ошириш, уларга жамоа шартномаларини тузиш ва унга илова қилинадиган ички меъёрий ҳужжатлар ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилишда амалий ёрдам кўрсатиш, амалдаги қонунларга киритилаётган ўзгаришлардан воқиф этиш, норматив ҳужжатларнинг тезкорлик билан етказиб берилишини таъминлаш масалалари йиғилганлар диққат марказида бўлди.

Пленумда сўзга чиққан бошланғич ташкилотлар етакчилари юзага келган камчиликларни бартараф этиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Акмал ТOШЕВ,
«Ishonch» мухбири

Аъзолик афзаллиги

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан амалга оширилаётган ислохотлар туфайли мамлакатимизда касаба уюшма ташкилотларига бўлган ишонч тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Айниқса, нодавлат ташкилотларда ҳам касаба уюшма ташкилотлари тузилиб, аъзолар сони ошаётгани кувонарли.

Сафларимиз
мустаҳкамланмоқда

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Қарши шаҳар кенгаши раиси Шерзод Йўлдошев амалга оширилаётган ишлар ҳақида қўйидагиларни гапириб берди:



— Дастлаб нодавлат ташкилотларини касаба уюшмалари сафига жалб қилиш учун уларнинг рўйхати олинди. Сўнгра мазкур ташкилотларда касаба уюшмаларининг афзаллиги, ходимларнинг ҳуқуқий ҳимояси, соғломлаштириш, спорт тадбирлари ва бошқа қатор масалаларда тарғиб-ташвиқот ишлари олиб борилди. Корхоналар раҳбарлари билан учрашиб, бошланғич ташкилотларга қаратилган эътибор, бу бордаги ислохотлар хусусида гапириб бердик.

Натижада, жорий йилнинг ўн ойида 32 та нодавлат ташкилот ва уларда меҳнат қилаётган 596 нафар ходим касаба уюшма ҳимоясига олинди. Биргина октябр ойида 17 та нодавлат ташкилотда касаба уюшма кўмиталари тузилгани ҳамда 75 нафар ходим аъзоликка қабул қилинганини эътироф этиш жоиз. Барча янги бошланғич ташкилотлар кенгаши-миз томонидан нашрдан чиқарилган касаба уюшмалари фаолиятини юритиш бўйича Низом ва йўриқномалар билан таъминланди.

Янги ташкилотлар сафига «Зиёкор» ва «Ҳазина» газеталари, «Шарқ маданияти» МЧЖ, «Эл назари» МЧЖ, «Қамолот нур дизайни» хусусий корхонаси, «Нурхажон севинч» МЧЖ, Қашқадарё вилоят енгил атлетика федерацияси, Қарши шаҳар каратэ федерацияси ва бошқа нодавлат ташкилотларни қўриш мумкин.

Меҳнатқашларни касаба уюшмасига жалб қилиш ишлари тўхтагани йўқ. Декабр ойининг биринчи ўн кўнлигида янги аъзоларимиз учун ўқув-семинар ўтказишни режалаштирганмиз.

«Ishonch» мухбири
Акмал АБДИЕВ ёзиб олди



Фаргона вилоятида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, инвестицияни кенг жалб этиш, жаҳон бозорига рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2013 йилнинг ўтган даврида 380 янги ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилиб, 16 инвестиция лойиҳаси амалга оширилди.

Суратларда: «Наврўз» кичик корхонаси ишчиси Саминжон Йўлдошев; ишчи Ҳавасхон Абдуллаева; корхона маҳсулотлари.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган суратлар

Семинар

Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг вилоят бўйича масъул ташкилотчиси ҳамда вилоят ОИТС маркази ҳамкорлигида «Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат муносабатлари жараёнида ОИВ инфекцияси юқиши хавфи» мавзусида семинар ташкил этилди.

Фойдали ва самарали

Маълумки, 2001 йилдан бошлаб, республикамизда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича норматив ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш дастури амалга оширилмоқда. Дастурга мувофиқ ҳозирнинг ўзида қарийб 150 дан ортққ меҳнатни муҳофаза қилиш қоида ва меъёрлари ишлаб чиқилган. Битта бахтсиз ҳодиса туфайли меҳнат қобилияти йўқолишининг ўртача давом этиши 30 кунни ташкил этади. Шикастланиш содир бўлганда биринчи тиббий ёрдам бевосита иш жойида кўрсатилиши белгилаб қўйилган. Бирок, барча ходимлар ҳам ана шундай тасодифларга тайёрми? Семинарда мутахассислар томонидан биринчи ёрдам тўғрисида батафсил тушунарлар берилди.

Шунингдек, ходимларни ОИВ/ОИТСдан сақлашни, иш жойида жароҳат олган ходимга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш усуллари бўйича ўқишларни янада кучайтириш лозимлиги қайд этилиб, аниқ таклиф ва фикрлар ўртага ташланди.

Усмон ҚАРИМОВ,
Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши бўлим мудири

Бугуннинг шиори

Тинчлик, барқарорлик...

Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурининг аҳамиятини меҳнатқашларга етказиш мақсадида тармоқ тизимидаги касаба уюшма ташкилотларида давра суҳбатлари ташкил этилмоқда.

Кунни кеча Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тадбир ўтказилди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги «Иссиқлик қуввати» ишлаб чиқариш бирлашмаси корхонаси ходимлари ҳамда Шайхонтоҳур тумани касаба уюшма фаоллари иштирок этган тадбирда Конституциямизнинг халқимиз маънавий ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида атрофлича тушуنча берилди. Марказий кенгаш раиси Зиёдулла Худойбердиевнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — бахтимиз, қомусимиз» ва Тошкент Давлат Шарқшунослик институти профессори, сиб-



сатшунослик фанлари доктори Улуғбек Идировнинг «Тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик — Ўзбекистон давлатларини учта устунидир» мавзуларидаги маърузаларини барчада катта қизиқиш уйғотди.

Нарзулла МАҲАММОВ,
«Ishonch» мухбири

Касаба уюшмалари тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, биринчи навбатда, бошланғич ташкилотлар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Андижон транспорт ва хизмат кўрсатиш касб-хўнар коллежи бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси Моҳидил Абдалимовани «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг вилоят босқичида учратган эдим. У танлов ғолибининг қўлга киритди.

Жамоа шартномаси — амалда

Коллежда 164 нафар аъзо бўлиб, уларнинг меҳнат ва дам олиш шароити доимо назоратда.

— Педагог ва ходимларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга алоҳида эътибор қаратганмиз, — дейди М.Абдалимова. — Турли спорт ва маданий-оммавий тадбирларни тез-тез ўтказиб туришимиз. Ғолиблар совғалар билан тақдирланади. Касаба уюшма кўмитамиз ишнинг жонлантиришида Истеъмол бозорлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш касаба уюшмаси Марказий кенгашининг вилоятдаги вакили Одилжон Жалиловнинг амалий ёрдами катта бўляпти.


Маусасида автотранспорт воситалари мавжуд бўлганлиги учун техника хавфсизлигига алоҳида эътибор қаратилди. Хар бир талабага хавфсизлик техникаси қоидаларини тушутириб борилади.

Дарвоқе, коллеж касаба уюшма кўмитаси «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан ўтказилган республика босқичида 3-урини эгаллади.

— Бу ютуқ зиммамизга янада катта масъулият юклайди, — дейди М.Абдалимова.

Абдулхал ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

8 декабр — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни



Хар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддаси.

Ёшлар Ватан ардоғида

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва унинг тизим ташкилотлари, таълим муассасаларида ёшларни ватанпарварлик ва миллий ғояга садоқат руҳида, юксак билимли, жисмонан соғлом, маънавий жиҳатдан бой ва кенг дунёқарашга эга бўлган мустақил шахслар этиб тарбиялашга устувор вазифа сифатида ёндашилиб, алоҳида режа асосида иш олиб борилмоқда.

Мустақиллигимизнинг илк йиллида санъат соҳасидаги халқор танловлар бор-йўғи 8 нафар ёш ижрочи иштирок этиб, улардан бир нафари биринчи ўринни эгаллаган бўлса, бугунга келиб уларнинг сони 105 нафарга етди. Иштирокчилардан 3 нафари — ёш скрипкачи Алина Қориева Франциянинг Баньоле шаҳрида ўтказил-

ган А.Глазунов номли VII халқаро танловда, торли чолғу — виолончелнинг моҳир созанда-си Жамшид Сайдиқаримов Россиядаги «Где рождается искусство» халқаро танловида, фортепиано ижрочиси Жасмина Абдуназарова Париж шаҳридаги «Nicolai Rubinstein» халқаро танловида Гран-прини қўлга киритдилар. 82 нафар ёш истеъдод эгалари эса фахрли ўрин соҳибига айланди.

— Халқаро майдонда мафкураравий, ғоявий ва информац-ион хуружлар кучайиб бораётган ҳозирги даврда ёшларда ҳаётга онгли муносабатни шакллантириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч-осойишта ҳаётимизга ҳавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб боришда маданият ва санъатнинг

ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Хусусан, бунда турли тadbирлар, кўрик-танловлар муҳим ўрин тутди, — дейди Маданият ва спорт ишлари вазирлиги таълим муассасалари фан ва кадрлар тайёрлаш бошқармаси бошлиғи А.Нуриллаев.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурига асосан ўтказилган маданият, санъат ва мусиқа коллежлари ҳамда академик лицейлари ёш ижрочиларнинг кўрик-танловида жами 658 нафар, шу жумладан, республикамизнинг чекка ҳудудларидан 421 нафар ёшлар иштирок этди. Мазкур танловда халқ чолғулари ва анъанавий ижрочилик йўналиши бўйича 110 нафар ёшлар фахрли ўринларни эгаллади ва голибликни қўлга киритган 33 нафар йигит-қиз вазирлик тизимида-

ги маданият ва санъат соҳасидаги олий таълим муассасаларига имтиёзли равишда ўқишга қабул қилинди.

Кўрик-танловнинг академик хонандлик йўналишида голиб деб топилган Абдулла Ширинов Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Нихол» мукофоти-га сазовор бўлди. Халқ чолғулари йўналишида тенгсиз деб топилган Муҳаммад Дўсқонов Санкт-Петербургда ўтказилган

худудий саралаш босқичларида иштирок этдилар. Республика босқичида қатнашиш имкониятини қўлга киритган 155 нафар номинантдан 14 нафари «Нихол» мукофотига сазовор бўлди.

Шу кунгача «Нихол» мукофоти 152 нафар ёшга насиб этди. Улардан Гулсанам Мамазоитова Ўзбекистон халқ артисти унвони берилди. 16 нафар совриндорлар Ўзбекистонда

«Окно в Европу» VIII халқаро танловида миллий мусиқа асбоби йўналиши бўйича фахрли ўринни эгаллади.

— Ёш истеъдодлар учун «Нихол» мукофоти саралаш 2006 йилдан буён уч босқичли тизимда ўтказилмоқда, — дейди вазирликнинг ижодкор ёшлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи О.Назаров. — Бундан қўланган мақсад иқтидор эгалларнинг имкониятларини тўла рўёбга чиқаришга қўмақлашиш, чекка ҳудудларда яшаб ижод қилаётган ёшларнинг меҳнати самарасини кенг жамоатчилик ҳукмига ҳавола этиш, уларнинг ижодини тарғиб қилишдир. Жорий йилда маҳаллий босқичларда ижодий кураш олиб борган 12134 нафар ёшлар орасида муваффақиятга эришган 1153 нафар ёш ижодкорлар

хизмат кўрсатган артист, 1 нафари Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист унвони ва 3 нафари «Шухрат» медали билан тақдирланди.

Униб-ўсиб келаётган ёш авлод қалбида олижаноб туйғуларни камол топтириш, Ватанга садоқат, унинг тақдирини учун дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган мазмунан теран, бадиий етуқ кўшиқлар яратишни рағбатлантириш ҳамда уларни эл-юртимизнинг маънавий мулкига айлантириш мақсадида ўтказиб келинаётган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг худудий босқичларида 53 688 нафар ижодкор ҳамда 432 та профессионал ва ҳаваскорлик жамоаси иштирок этди (Давоми 4-саҳифада).



Сўраган

Экансиз

САВОЛ: Мен декабр ойида бир ойлик сафарбарлик чакирув резервида хизмат қилиш учун чакирилганман. Корхонамиз ҳисобчиси декабр ўйида менга иш ҳақи тўланмаслигини айтиди. Шу тўғрисида С.ПУЛАТОВ, Тошкент шаҳри

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 165-моддасига мувофиқ, ходим давлат ёки жамоат вазифаларини бажараётган вақтида (сайлов ҳуқуқини амалга ошириш, депутатлик вазифаларини бажариш, тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси ишида иштирок этиш, ҳарбий бурчни бажариш, суриштирув органида, терговчи, прокурор ҳузурига ёки судга гувоҳ, жабрланувчи, эксперт, мутахассис, таржимон, ҳолис тарихида чакирилганда, шунингдек, суд мажлисларида халқ маслаҳатчиси, жамоат айбловчиси ва жамоат ҳимоячиси, жамоат бирлашмалари ва меҳнат жамоаларининг вакили сифатида иштирок этганда ҳамда қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда) иш берувчи унинг иш жойини (лавозимини) сақлаган ҳолда ишдан овоз қилиши шарт. Ана шу вазифаларни бажариш вақтида ходимнинг ўртача иш ҳақи сақланади.

САВОЛ: Аёлларга йиллик таътиллари бериш навбатини белгилашда қанақа имтиёзлар бўлади? К.Тўраева, Деҳқонобод тумани

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 231-моддасига кўра, ҳомиладор ва бола туққан аёлларга йиллик таътиллари, уларнинг хоҳишига кўра, тегишлича ҳомиладорлик ва туғиш таътилидан олдин ёки ундан кейин ёҳуд болани парвартириш таътилидан кейин берилади. Бундан ташқари, мазкур Кодекснинг 144-моддаси тўртинчи қисмига асосан, ўн тўрт ёшга тўлмаган битта ва ундан ортик болани (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон болани) тарбиялаётган ёлғиз ота, ёлғиз онага (бева эркаклар, бева аёллар, никоҳдан ажрашганлар, ёлғиз оналарга) ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг хотинларига йиллик таътиллари улар учун қулай бўлган вақтда берилади.

САВОЛ: Корхонамизга ўн саккиз ёшга тўлмаган ўсмир оилавий аҳволи ёмонлигини айтиб иш сўраб келди. Унга қандай иш тақдир қилса бўлади? М.АСҚАРОВ, Қувасой шаҳри

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 241-моддасига мувофиқ, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан уларнинг соғлиғи, ҳавфсизлиги ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган меҳнат шaroити ноқулай ишларда, ер ости ишларида ва бошқа ишларда фойдаланиш тақиқланади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2009 йил 21 апрелдаги 17/ҚК, 8-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар кўтаришлари ва ташишлари» қўлини бўлган оғир юк нормаларининг чегарасини белгилаш тўғрисида»ги Низомнинг 4-бандига асосан ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларнинг иш вақти фақат юкларни кўтариш, қўлда кўтариш ва ташиш билан боғлиқ бўлган ишлардан иборат бўлганда, улар учун юк кўтариш ва ташиш нормасининг чегараси 4,1 кг, дан оғир бўлмаслиги, шунингдек, улар арава ва вагонетка ёрдамида юк ташишга жалб этилмаслиги лозим.

САВОЛ: Иш берувчининг буйруғига асосан менинг розилигимсиз вақтинча бошқа ишга ўтказиш қонуний ҳисобланадими? А.НОРМАТОВ, Ҳамза тумани

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 231-моддасига кўра, ишлаб чиқариш зарурияти ёки бекор туриб қолиши муносабати билан ходимни унинг розилигисиз вақтинча бошқа ишга ўтказишга йўл қўйилади. Бундай ҳолда ходим соғлиғига тўғри келмайдиган бошқа ишга ўтказилиши мумкин эмас. Ходим вақтинча бошқа ишга ўтказилган даврда унга бажараётган ишга қараб, лекин аввалига ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда иш ҳақи тўланади.

САВОЛ: Болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар вақти ва тартиби ҳақида маълумот берсангиз. Н.СОЛИЕВА, Қўқон шаҳри

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 165-моддасига мувофиқ, икки ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга, дам олиш ва овқатланиш учун бериладиган танаффусдан ташқари, болани овқатлантириш учун қўшимча танаффуслар ҳам берилади. Бу танаффуслар камидан ҳар уч соатда бир марта ҳар бири ўттиз дақиқадан кам бўлмаган муддат билан берилади. Икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортик боласи бўлган тақдирда, танаффуснинг муддати камидан бир соат қилиб белгиланади. Шу билан бирга, болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар иш вақтига киритилади ва ўртача ойлик иш ҳақи ҳисоби бўйича ҳақ тўланади.

Бу танаффусларнинг аниқ муддати ва уларни бериш тартиби жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи ва касба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгила қўйилади.

Саволларга Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши бори юристконсулти А.ГАНИБАЕВ жавоб берди

«Ободлик кўнгилдан бошланади» республика танловига

Ҳаётда шундай инсонлар борки, улардаги қувват атрофдагиларни ҳам яхшилик манзиллари сари йўллаб туради. Улар қай ишга қўл урмасин, муқаммал даражада удалашга, ҳар соҳада пешқадам бўлишга одатлангани учун ҳам кўпнинг олқишига сазовордир. Чортоқ тиббиёт коллежи касабаси уюшма қўмитаси раиси Раъноҳон Инатуллаева шундайлар сирасига киритиш мумкин.

180 нафардан ортик жамоадоши ҳамда 1800 га яқин ўқувчининг ташвишидан заррача хорш сезмайдиган, ҳаммиса елиб-югуриб, кимнингдир оғирини енгил қилишга интиладиган бу аёлда фидойиликнинг барча қирраси мужассам гўё. Унинг аёл, устоз, шифокор сифатидаги бахти ҳам ана шу фидокорлик ҳосиласидир.

Яшасин яхшилик!

Раъноҳон опа атрофини ҳаммиса яхшилик билан обод қилишга, юрган йўлида ўзидан эзгулик қолдиришга интилади.

Нон топиб, туз тотиниб юрган ерига садоқат қанчалик бўлишини ҳар қандай киши Раъноҳон опадан ўрганса арзийди. Унинг коллежга бўлган садоқатини йигирма етти йиллик вақт ҳам исботлаб турибди. Аввало, ўзига талабчан кадрга шу йил орасида қанчадан-қанча нуфузли ташкилотлар қизикмади дейсиз. Аммо опа билим масканидан айрича ҳаётни тасаввур қила олмасди.

Узининг қилаётган ишлари билан мақтанмайди, аммо бирорта жамоадошининг кичкинагина ютуғи ҳам эътиборидан четда қолмайди. Маҳаллий, марказий нашрларга бундай хушxabарларни тез-тез йўллаб туради. Касбий билимларини чарқлаш асносида қўлланмалар яратди. Шунинг учунми қаламшилик маҳорати устозлик таҷрибасидан, шифокорлик ютуқларидан кам эмас.

— Не бахтки, бугун биз имкониятлар асрида яшаётимиз, — дейди Раъноҳон опа. — Ҳиммат, ишлайман, изланаман деганинг замони келди. Жумладан, коллежимизда ўқувчи-ю ўқитувчилар учун етарлиқ шaroит муҳайё қилинган. Замонавий спорт зали, 200 ўринли ётоқхона талабалар хизматида. Иккита компютерлаштирилган ҳамда иккита лингафон хона насли уларнинг замон талаблари асосида таълим олишга хизмат қилмоқда. 400 ўринли зал эса иккинчи иқтидор намойиши учун гажам майдонга айланган. Лизинг асосида харид қилинган автобус узокдан қатновчи талабалар оғирини енгил қилмоқда.

Япониянинг «JICA» лойиҳаси асосида 25 млн. сўм ажратилган бўлиб, 4 та хона энг сўнгги русумдаги тиббий ўқув жиҳозлари билан таъминланган.

Шунингдек, коллеж қошида «Эъзоз-Мурват» пулли диагностика маркази ташкил этилган бўлиб, ўқувчилар олган билимларини шу ерда мустаҳкамлаш имкониятига эга.

Ёшларнинг тарихий жойлар, замонавий бунёдкорлик салоҳиятимизни намойён этувчи масканларга саёҳати ҳам касабаси уюшмасининг эътиборида.

— Устозимиз Раъноҳон Инатуллаева тиббий сабоқ бериш билан бирга, турли маънавий тadbирлар, бадиий кечалар уюштиришда ҳам бизга бошчилик қиладилар. Қизларнинг юриш-туриши, одоб-ахлоқ ҳақидаги маслаҳатларига амал қилишга, айниқса, у кишининг ўзидан ибрат олишга интилади, — дейди 2-босқич ўқувчиси Шаҳноза Ихтиёрова.

Раъноҳон опанинг ёш ўқитувчиларга нафақат руҳий далда, балки касб сирларини янада пухта эгаллашда ҳам қўмақ бе-

ришини ҳамкасблари тўлиб-тошиб сўзлашади. Жумладан, унинг муаллифлигида «JICA» лойиҳаси асосида яратилган «Ҳамширалик парвариси», «Ўқитувчининг касбий ҳамроҳи», «Мустақил ишларни ташкил этиш» бўйича ўқув-услубий қўлланмалар соҳада жуда қўл келаётир.

Шунингдек, тизимда биринчилардан бўлиб ўқув жараёнларига замонавий педагогик технологияларни татбиқ этиш орқали ҳам кўпчиликка намуна бўлди. Албатта, бу изланишлар беиз кетмади: у ўтган ўқув йилида республика кўрик-танловида қатнашиб, «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси» номинацияси бўйича тақдирланди.

«Фаол касабаси уюшма ташкилотчиси» кўрик-танловининг вилоят босқичида иштирок этиб, иккинчи даражали диплом билан тақдирланди.


— Эзгулик қидирган кишига ҳаётда яхшилар, яхшиликлар йўлдош бўлар экан, — дейди Раъноҳон опа. — Хар қандай янгиликдан, ўзгаришлардан ҳикमत излашга ҳаракат қиламан. Бу фазилатини менда ҳаётнинг ўзи шакллантирди. Болалигимда ҳуқуқшунос бўлишни оруз қилардим. Назаримда, шу касбига одамларга энг қўл фойда келтирадигандек туюларди (Сабоби бизнинг оилавий тарбия муҳитида «инсонларга фойда келтириш — энг улуг иш» қоидаси устун эди). Аммо кейинчалик шифокорларнинг халоскорлик вазифасини ўз бошимдан ўтказган, врач бўлишга аҳд қилдим. Шу мақсадда Андижон тиббиёт институтига ҳужжат топширдим. Ўқишни битирган, вилоят шифохонасининг кардиология бўлимида хизмат қила бошладим. Шу орада Чортоқ тиббиёт билим юртига ўқитувчиликка тақдир қилишди. Қанчадан-қанча қорақўларнинг инсон ҳаётининг нажоткори сифатида шаклланишига ҳисса қўша олишимни ўйлаб, бу тақдирга рози бўлдим. Қолаверса, амалиётни назария билан тенг олиб бориш янада қизқарли эди. Йигирма етти йилдирки, ҳам устозлик, ҳам шифокорлик масъулияти билан яшамоқдаман.

Раъноҳон опа бу йиллар орасида кўплаб ютуқларни қўлга киритди. Эришган натижаларига кўра Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси, вилоят касабаси уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ҳамда соғлиқни сақлаш бошқармасининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғаларига сазовор бўлди.

Дарвоқе, опанинг ҳаёт фалсафасидаги ҳикмат хусусида: унинг беғубор орзулари ўз рўйбени топди. Касабақўм етакчиси сифатида унча-мунча ҳуқуқшуносдан кам эмас. Бу борада у ташкиллаштириётган қатор ўқув-семинарлар, очиқ мулоқотлар ўзини оқламақда.

Дилдора РАҲМОНОВА, «Ishonch» мухбири

Ислохотлар сари



Қишлоқ шифокорлари

Қорақалпоғистон Республикаси тиббиёт тизимида амалга оширилаётган изчил ишлар самарасида аҳолига кўрсатилаётган бирламчи тиббий-профилактик ёрдам сифати ва қўламини ортиб бораётир.

Нукус тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли «Ток-тау» қишлоқ врачлик пункти ҳудуддаги 1 миң 717 нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатади. Замонавий бинода жойлашган бирламчи шифо масканида рўйхатга олиш, тиббий кўрик, физиотерапия, кундузги шифохона, муолажа, аёллар маслаҳат хоналари ташкил қилинган.

— Қишлоқ врачлик пунктими «Саломатлик-1» ва «Саломатлик-2» лойиҳалари бўйича замонавий тиббий асбоб-ускуналар, янги жиҳозлар билан таъминлангани тиббий кўрик ва профилактика тadbирларини самарали олиб боришимизда жуда қўл келмоқда, — дейди мазкур бирламчи шифо маскани мудираси Зухра Арзиева.

Суратда: (ўнгдан) «Ток-тау» қишлоқ врачлик пункти мудираси Зухра Арзиева, ҳамшира Азиза Комекова.

Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган сурат

Кўрик-танлов

Жиззах Давлат педагогика институти тарих факультети 4-босқич талабаси Ирода Азизова БМТ ва «Ўзбекистондаги ижтимоий инновация ва кўнгилдиллик» ҳаракати дастури доирасида ўтказилган кўрик-танловда «Соғлом она — оила фаровонлиги асосчиси» лойиҳаси билан қатнашиб, голиб деб топилди ва уч миллион сўмлик грантга сазовор бўлди.

Халқаро грант соҳибаси

Талаба қиз грант маблағини лойиҳа доирасида 15 ва ундан юқори ёшдаги ўсмир қизлар саломатлиги йўлидаги профилактика мақсадида сарфлайди.

Абдуманноп АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

Реклама ва эълонлар

«Navoiy mulk markazi» МСНЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақдиф этади!

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги 343-сонли қароридаги мувофиқ, СВОЖДЛҚК департаменти Навоий вилоят бошқармасининг 03.10.2013 йилдаги 13/3-1056-13-сонли хатига асосан, Навоий шаҳар А.Петров кўчаси 29-уй манзилда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

- 1. «ВАЗ-2107» русумли, 2003 йилда и/ч, д/р 85 724 ААА бўлган. Бошланғич баҳоси — 6 836 000 сўм.
2. «ВАЗ-2107» русумли, 2003 йилда и/ч, д/р 85 729 ААА бўлган. Бошланғич баҳоси — 5 935 000 сўм.
Савдо 2013 йил 17 декабр куни соат 15:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишининг охириги муддати: 2013 йил 16 декабр куни соат 18:00.
Автотранспорт воситалари 2013 йил 17 декабр куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдо 2013 йил 24 декабр куни соат 15:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: Такрорий савдо учун 2013 йил 23 декабр куни соат 18:00 да тўхтатилади.
Савдо голибига 10 иш куни ичида тўловларни тўлиқ амалга ошириш мажбурияти юклатилади.
Талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини қуйидаги ҳисоб рақамга тўлашлари шарт: 20208000704943164001, МҲО: 00205, СТИР: 302132768 АТ «Ипотека банк» Навоий филиали.
Савдо ўтказиладиган манзил: Навоий шаҳар П.Очлов кўчаси 24-уй. Тел: 8 (436) 22-4-64-31. www.fmm.uz.
Гувоҳнома 1605.
Изоҳ: д/р — давлат рақами; и/ч — ишлаб чиқарилган.

Хизматлар лицензияланган.

(Давоми. Бошланиш 3-саҳифада).

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида ўтказилган «Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда маданият ва санъат муассасаларининг ўрни» мавзусидаги анжуманда маданият ва санъат соҳасида театр, кино, телевидение, халқ ижодиётини ривожлантириш борасида халқимизнинг эстетик ва маданий эҳтиёжларига жавоб берадиган юксак малакали мутахассисларни тайёрлаш даражаси ва сифатини таъминлаштириш масалаларига эътибор қаратилди.

Тадбирда вазирлик ва унинг тизимидаги ташкилот, муассасалар, ижодий бирлашмалар, ҳудудий бошқармалар бошлиқлари, театрлар, олий ва ўрта махсус таълим масканлари мутасаддилари, ўқитувчилар ҳамда талаба ёшлар қатнашди.

Вазирлик тасарруфидоги 5 та олий таълим муассасаси (уларнинг 1 таси филиал), 21 та маданият ва санъат коллежи, 14 та Олимпия захиралари коллежи, Ўзбекистон давлат консерваторияси қошидаги Иқтидорли болалар академик лицейида юқори билим ва салоҳиятга эга кадрларни тайёрлаш йўлида тинимсиз изланишлар олиб борилмоқда. Бу жараён,

айниқса, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида яққол кўзга ташланади.

— Юртбошимизнинг 2012 йил 4 июндаги «Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтини ташкил этиш тўғрисида»ги қарориди бадий ижодиётнинг илғор методлари, инновацион техника ва технологияларни пухта эгаллаган юксак малакали мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйиш юза-

ларнинг касбий маҳоратини мукаммал эгаллашларига хизмат қилади.

— Замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган, сўнгги техник воситалар билан жиҳозланган 200 кишига мўлжалланган ўқув театрини кўриб, кишининг кўзи қувнайди, — дейди институт магистранти Райхон Улесинова. — Ўқув театрининг профессионал театр даражасида замонавий, барча қулайликларга эга

линг 3-D ўлчамли видеокамералардан фойдаланиб, йигит-қизлар ўзларининг яратадиган ижодий ишларини яратадилар. Барча техник воситаларга эга фотостудия ҳам улар ихтиёрида.

Талабаларнинг юртимизда, дунёда содир бўлаётган вояғачлардан хабардорлигини таъминлаш, уларнинг билим даражасини, дунёқарашини ошириш, ўқув ва бадий ада-

этиборни аямайдиган юрда, замонавий таълим масканида таълим олаётганимдан фахрланаман, — дейди талаба Ралина Максимова.

Институтда тахсил олаётган бир минг олти юзга яқин талабалар Юртбошимиз томонидан кўрсатилаётган мислсиз ғамхўрлик ва эътиборга муносиб бўлишга ҳаракат қилишмоқда. Улар орасида Президент стипендианти Шоҳруҳ Абдурасулов, Навоий номидаги давлат стипендианти Холида Олимова, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Маликабону Нарзуллаева, «Нихол» мукофоти совриндори

Умида Ҳамидова каби талабалар борлиги эса фикримиз далилидир.

Анжуманда маданият ва санъат соҳасидаги таълим тизими фаолияти, шунингдек, яратилаётган театр ва кино, миллий эстрада йўналишидаги янги асарларнинг савиясини ўрганиш, таҳлил қилиш, кўрсатмалар, тавсиялар бериб бориш мақсадида катта тажрибага эга бўлган педагог, соҳа вакиллари билан иборат Жамоатчилик кенгаши таъкил этиш ҳақида келишиб олинди.

Дилфуза ҚАРШИБОВЕВА, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги матбуот котиби



ФУТБОЛ



FIFA WORLD CUP
Brasil

2014 йилнинг 12 июн – 13 июл кунлари Бразилия яшил майдонларида ўтказиладиган навбатдаги жаҳон чемпионатида иштирок этадиган 32 терма жамоа номи маълум бўлди.

ЎТТИЗ ИККИ «ПАҲЛАВОН»

Европа: Россия, Голландия, Италия, Испания, Англия, Германия, Португалия, Франция, Швейцария, Белгия, Босния ва Герцеговина, Греция, Хорватия.

Жанубий Америка: Бразилия, Аргентина, Колумбия, Чили, Эквадор, Уругвай.

Осиё: Австралия, Эрон, Япония, Жанубий Корея.
Африка: Нигерия, Камерун, Жазоир, Гана, Кот-д'Ивуар.
КОНКАКАФ: АКШ, Коста-Рика, Гондурас, Мексика.

Мусобақанинг финал босқичига қуръа ташлаш таросими 6 декабрда белгиланган. Жаҳон чемпионати баҳслари Бразилиянинг Рио-де-Жанейро, Ресифи, Салвадоре, Сан-Паулу, Порту-Алегри, Манаусе, Фортале, Натале, Белу-Оризонт, Бразилиа, Күябе, Куритибе шаҳарларида ўтказилади. Ярим финал учрашувлари учун Сан-Паулу шаҳрининг «Арена Коринтианс» ва Белу-Оризонт шаҳрининг «Минейран» стадионлари танланган. Финал иштирокчилари Рио-де-Жанейро шаҳридаги «Маракана»да (73531 томошбин) ўзаро рубарў келади.

Жаҳон чемпионатларида 8 давлат терма жамоаларигагина чемпионлини қўлга киритиш насиб этган. Бош совринни қўлга киритиш борасида Бразилия терма жамоаси (5 бор) пешқадам ҳисобланади. Италия термаси тўрт мартаба, германиялик чарм тўп усталари эса уч бор жаҳон чемпиони бўлган. Аргентина ва Уругвай терма жамоалари икки мартадан бош совринга эга чиққан бўлса, Англия, Франция ва Испания терма жамоалари бир мартадан мундиал ғолиблигини қўлга киритишган.

Эътиборлиси, Бразилияда ўтказиладиган мундиалда жаҳон чемпионлигини қўлга киритган 8 терма жамоанинг барчаси иштирок этади.

Қуйида жаҳон чемпионатларининг совринли ўринларини эгаллаган терма жамоалар рўйхати:

- 1930 йил. 1) Уругвай. 2) Аргентина. 3) АКШ
- 1934 йил. 1) Италия 2) Чехословакия 3) Германия
- 1938 йил. 1) Италия 2) Венгрия 3) Бразилия
- 1950 йил. 1) Уругвай 2) Бразилия 3) Швеция
- 1954 йил. 1) ГФР 2) Венгрия 3) Австрия
- 1958 йил. 1) Бразилия 2) Швеция 3) Франция
- 1962 йил. 1) Бразилия 2) Чехословакия 3) Чили
- 1966 йил. 1) Англия 2) ГФР 3) Португалия
- 1970 йил. 1) Бразилия 2) Италия 3) ГФР
- 1974 йил. 1) ГФР 2) Голландия 3) Польша
- 1978 йил. 1) Аргентина 2) Голландия 3) Бразилия
- 1982 йил. 1) Италия 2) ГФР 3) Польша
- 1986 йил. 1) Аргентина 2) ГФР 3) Франция
- 1990 йил. 1) ГФР 2) Аргентина 3) Италия
- 1994 йил. 1) Бразилия 2) Италия 3) Швеция
- 1998 йил. 1) Франция 2) Бразилия 3) Хорватия
- 2002 йил. 1) Франция 2) Германия 3) Туркия
- 2006 йил. 1) Италия 2) Франция 3) Германия
- 2010 йил. 1) Испания 2) Голландия 3) Германия

Аҳмад АРСЛОНОВ, «Ishonch» муҳбири

Мушоҳада

Аслинг каби кўрин, ёки...



Ҳамма ҳар тарафга ишоади. Кимдир ишга, кимдир ўқишга, кимдир савдо-сотик, яна кимдир уй-рўзгор ташвишлари билан кўчага чиққан. Уларнинг орасида қўлоғига «наушник» қистириб олиб, вуқуди билан суҳбатдошининг гапини тинглаб келаётган қиз атрофдагиларнинг диққатини беихтиёр ўзига жалб қилди. У шу даражада суҳбатта берилган эдики, ҳатто йўлда келаётган машинанинг бирдан тўхтаганини ҳам сезмади. Ҳаяжонланган автовоҳу эгасининг «Ой қизим, қўлоғингдаги эрозмандини йўлдан ўтаётганинда охиб кўй, ҳеч бўлмаса!» деган гапига қайрилиб қўйиш билангина кифояланган қиз ўз йўлида давом этди. Во ажаб, ҳаёт деганлари, шунчалар арзонми?!

Қиздаги хотиржамликка энг жасур саркардалар ҳам «ҳавас қилса арзийди». Кейинроқ бу «хотиржамлик» сабабини англашга менда фурсат туғилди, чунки у билан бир таксига ўтирганди. Машинанинг орқа ўриндиғига қайтиб олган қиз жуда паст овозда бир «дўсти» билан суҳбат қуради. Аммо бу суҳбат диалогдан кўра кўпроқ монологга ўқшарди. Узоқ суқутдан сўнг қиз онда-сонда «Хм», «Шундай», «Йўқ», «Унақамас» каби сўзлардан фойдаланарди. Суҳбатдошида фақат ижобий таассирот қолдириш мақсади уни ўзини шундай тутишга ундарди. Айрим синимон сўзлардангина фойдаланиб суҳбатлашаётган қиз, гўё шарм-ҳаё билан суғорилган нозик ниҳолга ўқшарди. Бирок... Иккинчи линияга келган кўнгирик ўшбу ниҳолни игнаги кактусга айлантди-қўйди.

— Ҳозир бир минут, иккинчи линия келди. Алё(овозини кўтариб) —
— Ҳа, аввалроқ айтмасми? Йўқ! Энди ўзингиз олинг, бўлди. Мен уйга қайтман, чарчадим, бунинг устига бошим ҳам оғриб турипти, ўзи авария бўпкетай дедим!!!

— Яхшиман! Йўқ! Йўқ! Борганда гаплашамиз, хайр. (телефонни биринчи линияга қайтариб яна паст овозда) Алло, кутиб қолмадими? Ойим «Келаясанми?» деб қўнғироқ қилапти.

Суҳбат яна эскича йўсинда давом этди — қиз хотиржам, сопа-соғ, кайфат эса аёло. Энди унинг боши оғримайди, чарчогий ҳам йўқ.

Она... Оқ сут берган, оқ ювиб-оқ тараган мўқаддас зот. Наҳотки, унинг бир қўнғироғи ё илтимоси бошингизни оғритиб, чарча-тиб қўйса?! Барча кўргиликларга дош бериб, норасидасини ул-гайтирган буюк инсон бунун наҳот ўзи устирган ниҳолнинг соясиди бир нафас дам ололмаса? Ферзандининг катта бир халокатдан омон қолганлигига Парвардигорга беҳисоб шукроналар келтириб, унинг келишини интиқлик билан кутаётган волида қизи уйга кириб келгунига қадар минг ўлиб, минг тирилади. Бирок қиз... бер-парво. Онанинг меҳри энди унга ортиқчадек, малолдек гўё. Энди унга энг муҳими «дўстининг» эътибори-ю, меҳр-муҳаббати.

Миллиардлаб инсонларни ўз бағрига олган Ер қурраминда ай-нан қайси инсон бизга дўст ёки ёр бўлишини билмаймиз чоғи. Лекин бизни дунёга келтирган онамиз аниқ, у ягона. Унга меҳр ула-шишдан, хизматда бўлишдан асло чарчамайлик.

Таксида бирга келган манзилдошим каби ёшлар ҳам буни ан-глаб этишларини истардим.

Биллура ТОЛИПОВА



Қарши шаҳрида Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодлар кўрик-тайловининг Қашқадарё вилояти босқичи бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбарининг 1999 йил 10 июндаги «Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича тақлифлари қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармонида асосан таъсис этилган мазкур мукофот иқтидорли қизларни қўллаб-қувватлаш, ижодий, интеллектуал, маънавий ва жисмоний салоҳиятини янада юксалтириш, истеъдодини тўла намойён этишида муҳим омили бўлмоқда.

Танловнинг туман ва шаҳар босқичларида 14 ёшдан 22 ёшгача бўлган 1350 нафар қиз қатнаш-ган бўлса, уларнинг 75 нафари вилоят босқичи-да ўз истеъдодини намойиш этди. Яқиний натижаларга кўра, энг юқори балл

тўплаган 15 нафар қиз танловнинг мамлакат бос-қичига йўлланма олди.

— Истеъдодлар ҳамма даврларда ҳам бўлган, лекин улар хозиргидек қўллаб-қувватланмаган, — дейди танловнинг адабийёт йўналишини бўйича ғолиби шахрисабзлик Садокат Нарзуллаева. — Мустақил Ўзбекистонимизда Юртбошимиз раҳ-намолигида ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ўз истеъдод ва қўбилияти-ни намойиш этиши, энг муҳими, ҳеч кимдан кам бўлмаган шароитларда униб-ўсиши учун барча имкониятлар яратилмоқда. Бунинг учун давлати-миз раҳбарига чин дилдан миннатдорлик билди-раман.

Ў. БАҚОРОВ, ЎЗА МУҲБИРИ, Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎЗА) олган сурат

Касаба сайр

Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари ОАЖ касаба уюшма кўмитаси ташаббуси билан бир гуруҳ меҳнат фахрийлари, илғор ишчи ва ёшлардан 40 нафари «Касаба сайр» шўба корхонаси кўмагида Хўна Хива ва Урганч шаҳарларини зиёрат қилиб қайтишди.

Юрган — дарё

Хива шаҳридаги Ичан қалъа тарихий ёдгорликлари, истиқ-лол йилларида вилоят марказида барпо этилган бунёдкор-лик иншоотлари саёхатчилар-да катта таассирот қолдирди.

Р.ЗУЛПАНОВ, Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари ОАЖ касаба уюшма кўмитаси раиси

Реклама ва элонлар



2013 йил 26 декабр кунини соат 11.00 да Урганч шаҳар Шерозий кўча-си 12-уйда ўтказиладиган очиқ аукци-он савдосига Хоразм вилояти Хўжалик судининг 22-1306/6901-сонли иш бўйича 2013 йил 23 сентябр кунини қабул қилган ҳал қилув қарорига асосан бан-крот, деб топилиб, хозирги кунда ту-гатишга доир иш юритиш олиб бори-лаётган «Гурлан сув қурилиш» унитар корхонаси кредиторларининг 2013 йил 25 ноябрдаги 2-сонли йиғилиши баён-номаси қарорига ва тугатиш бошқару-васининг 2013 йил 25 ноябрдаги GM/6901-38-сонли хатига асосан Гурлан шаҳарчаси Мустақиллик кўчаси 28-уйда жойлашган «Гурлан сув қури-лиш» унитар корхонасининг барча тур-даги мол-мулкларини мулкчи мажмауа си-фатида бошланғич баҳоси бозор қий-мати 619 756 000 сўмда ер участкаси-

«Хоразм ko'chmas mulk savdo servis» МЧЖ нархлар ошиб бориши тартибидида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

дан фойдаланиш ҳуқуқи билан қўйил-моқда:

Ушбу мол-мулклар 2013 йил 26 де-кабрдаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2013 йил 27, 30 ва 31 декабр кунлари бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги ғувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; — жисмоний шахслар учун — паспорт-нинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатлари-да белгиланган тартибда расмийлашти-рилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шах-

сини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусха-си илова қилинган ишончнома.

Ушбу савдога қатнашиш истагида бўлган харидорлар закалат шартномаси-ни тузиб, «Хоразм ko'chmas mulk savdo servis» МЧЖ ҳисоб рақамига 10 фоиз га-ров пули тўлаган ҳолда ариза бериб рўйхатдан ўтишга шарт. Ариза қабул қилиш айтишдо бошланишидан бир кун ол-дин соат 17.00да тўхтатилади. Ҳисоб ра-қами 20208000804935791001 АТИБ «Ипо-тека банк» Тинчлик филиали МФО: 00580, СТИР: 302101924.

Савдо ғолибига савдо куниндан бош-лаб 5 (беш) кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш юклати-лади.

Телефон: 8(362)-226-88-87. Рас-мий сайтими: www.uy-joy.uz

Лицензия RR-0054.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari
Zayniddin Rixsiyev
Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV, Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.
Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon +998 91 141-27-70; Buxoro +99893 653 50 81; Sirdaryo +998 90 999 58 30; Jizzax +998 94 418-67-49; Navoiy +998 94 226-28-84; Namangan +998 90 260-50-77; Samarqand +998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo +998 95 502-16-68; Farg'ona +998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm +998 90 719-48-00.

Manzilibimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy.
Nashr ko'rsatkichi:
133
Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir:
N. Rafiqov
Navbatchi:
S. Abdurahmonov
Musahhih:
S. Shodiyeva
Boshlang'ich topshirish vaqti - 23.25
Topshirildi - 00.30
E-mail: ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Sahifalovchi: H. Abdullatipov
«Sharh» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqarasida chop etiladi. Korxonani manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.